

ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИ ЎЗ ФИКРИНИ ЭРКИН ИФОДА ЭТА БИЛИШИ, СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ШУ ҲУҚУҚЛАРНИНГ АМАЛДА ТАЪМИНЛАНИШИ УЧУН КАФОЛАТ ЯРАТИШ — БИЗНИНГ БУГУНГИ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ БЎЛИШИ ЛОЗИМ. ОДАМЛАРНИНГ ЭРКИН ФИКРИНИ ИФОДА ЭТУВЧИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЖАМИЯТДА ЎЗИНИНГ МУСТАҲҚАМ ЎРНИ ВА МАВҚЕИНИ ЭГАЛЛАШИ ДАРКОР.



OZBEKISTON VOZI

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ СИЙOSIY-IJTIMOIY ГАЗЕТАСИ □ ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИYУНДАН ЧИҚА БOШЛАГАН

2000 ЙИЛ □ 27 ИЮНЬ □ СЕШАНБА № 73 (26623)

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Азиз дўстлар!
Авваламбор, барчангизни миллий матбуотимиз байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Бу кун нафақат журналистлар, матбаа ва радио-телевидение ходимлари, балки ҳаётимизда, эзгу мақсадлар йўлида эришадиган натижаларимизда матбуотнинг ўрни ва мавқеини эътироф этадиган ва қадрайладиган ҳар бир юртошимиз учун ҳам муҳимдир.

Оммавий ахборот воситалари жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар, демократик тамойилларни шакллантиришдек улғувор ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғоқликка даъват этадиган доимий ҳамроҳимизга айланмоқда. Бунинг замирида, шубҳасиз, журналистларимизнинг ўз касбига меҳр ва садоқат, оғир ва сермашаққат меҳнати мужассам.

Бугунги таҳликали замонда ҳар қайси онгли инсон, ёши, касби-кори, лавозимидан қатъий назар, ўзига руҳан яқин, қувончу ташвишлари, дарду гамига шерик бўладиган бир суҳбатдош излайди. Менинг назаримда, матбуотни ана шундай суҳбатдошга қисқаш мумкин. Айни вақтда шунинг яқинлиги олиш зарурки, бизнинг нозиктаб, кўпни

кўрган, доно халқимизга муносиб суҳбатдош бўлиш осон иш эмас. Бу барчамиз, авваламбор, матбуот захматкашлари учун энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиши керак.

Инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда ҳаётнинг ўзи сиз, оммавий ахборот воситалари ходимлари олдида эл-юртимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, Ватанимиз равнақи ва фарзандларимиз камолоти каби буюк вазифаларни қўймоқда. Дунё ахборот оламида глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги шароитда миллий матбуотимиз янада фаол бўлиши, халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан, миллий тафаккур тарзимизга ёт ақидалардан ҳимоя қилиши, жамиятимиз миллий истиқлол мафқурасининг шаклланишида алоҳида ўрин тутиши, маънавий ҳаётимизнинг ва муқаддас қадриятларимизнинг мустаҳкам ҳимоясига айланиши мумкин.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга соҳат-саломатлик, гайрат-шижоат, ховандларингизга тинчлик-омонлик тилайман.

Ҳаққоний сўз, теран тафаккур ва илҳом доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ИПАК ЙЎЛИДА УЛКАН КАРВОНСАРОЙ

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида Халқаро Логистика маркази бунёд этилиши ҳақидаги хушхабар тезликда тарқалди.

Урта Осиёда ягона ушбу марказда хорижда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар туширилади, юкланади, сақланади ҳамда тегишли хужудларга жўнатилади. Етмиш гектардан зиёдроқ майдонли бу масканда божхона ва банк хизматлари кўрсатилиб, маҳсулотлар-

га сифат сертификати бериллади. Автомобиллар тўхташ жойлари, уларга ёниги куйиш шаҳобчалари, шунингдек, савдо-сотиқ бўлимлари барпо этилади. Хуллас, бу карвонсаройда 2 мингдан ортиқ киши иш билан банд бўлади. Асосий мақсад эса Шарқ билан Ғарбни бириктириш бўлган ҳақиқатий «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклаш.

Халқаро Логистика марказини бунёд этишда Германиянинг «Даймлер —

Крайслер» компанияси билан ҳамкорлик қилинди. Дунёнинг юзга яқин компаниялари марказ қурилишига қизиқмоқда. Уларнинг 50дан ортиги лойиҳада бевосита иштирок этиш ниятида.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

«ФАЛЛА — 2000»

ШАРТНОМА РЕЖАСИ УДДАЛАНДИ

Бухоро тумани галлакорлари мамлакатда дон-мустақиллигини таъминлашда самарали улуш қўшиб келмоқдалар. Бу йил ҳам улар давлатга сара дон топшириш буйича белгиланган шартномавий режани бичирчилардан бажардилар. Қабул масканларига 12895 тоннадан ортиқ дон топширган миришкорлар ҳосилдорлики 45,2 центнерга етказилди.

— Ҳали ҳосил ўрилмаган майдонлар талайгина, — дейди туман ҳокими Негмурод Пулатов. — Биз 4928 гектардан олинган дон ҳосил хирмонини 19303 тоннага албатта етказамиз.

Мўл ҳосил етиштирилгани туманга катта иқтисодий наф келтириши аниқ. Жумладан, умумий даромад 665 миллион сўмга етади. Бу, албатта янги ўрим техникасининг, пудрат усулида ишлашнинг натижасидир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

УЧКЎПРИКНИНГ ФАЛЛА КАРВОНИ

Учкўприк тумани галлакорлари вилоятда биринчилар қатори бугдой тайёрлаш давлат буюртмасини адо этдилар. Туман галлакорлари Ватанимиз умумий хирмонига мўлжалдаги 17836 тонна ўрнига 1904 тонна галла топширдилар. Салмоқли ҳосил етиштиришда Отажонов номли, Ҳамза номли, Дехқонов номли, «Истиқлол», «Наврўз», Охунбоев номли жамоа хўжаликлари галлакорларининг ҳиссаси катта бўлди.

«Оқсув», Шамсуддинов номли, «Учкўприк» жамоа хўжаликлари ҳам умумий хирмонга муносиб улуш қўшишди.

Нигора АЗИМОВА

ЎЗБЕК КУРАШИГА ЖАҲОН ОШУФТА

Халқаро Кураш Ассоциацияси ўзбек курашини тарғиб қилиш, уни жаҳон майдонларига олиб чиқиш мақсадида Халқаро семинар ўтказди. Унда дунёнинг 20 дан ортиқ давлатларидан таширф буюрган мутахассислар, дзюдо оламининг таниқли вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Семинарда ўзбек курашининг афзалликлари, ўзига хос жиҳатлари эътироф этилди.

— Ўзбек кураши кун сайин ўз муҳлисларини топиб бормоқда. Галдаги вазифа бу спорт турини олимпиада ўйинлари қаторига олиб чиқишдан иборат, — дейди Халқаро Кураш Ассоциацияси Президенти Комилжон Юсупов.

Беход АБДУНАЗАРОВ

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

Кишилик тарихи давомида инсониятга улкан хизмат қилган, унинг ҳаётини бутунлай бошқа бир йўлга буриб юборган кашфиётлар жуда кўп бўлган. Матбуот ҳам, шубҳасиз, ана шундай кашфиётларнинг биридир. Инсоният минг йилларки, ўзини тушунадиган, унинг дардларини ёритадиган ва керак ўринда юқини енгилатадиган дўст қидириб келган. Матбуот, тарихнинг оғир даврларида инсониятга елкадош бўлиб, унинг янгиликка бўлган эҳтиёжи ўлароқ дунёга келди. Ва ҳозир ҳам бу вазифани баҳоли қудрат бажариб келмоқда. Бу таъриф бугунги ўзбек матбуоти учун ҳам бирдек хос. Матбуот ҳамма даврда халқнинг тарбиячиси бўлиб келган. Тарихнинг маълум даврларида у ғоявий қурол бўлиб хизмат қилишга мажбур бўлди. Жамиятнинг яхши-ёмон қирралари матбуотда ўз аксини топади. Одамлар матбуотга ишонади. Уни ўз ҳимоячиси деб билади. Жамият қандай бўлса, матбуот ҳам шундай. Шу маънода айтиш мумкинки, матбуот — жамиятнинг кўзи. Фақат эркин жамиятдагина эркин яшаш мумкин. Эркин ижод қилиш, эркин сўзлаш мумкин. Мустақиллик даври бизга ана шу имкониятни берганлиги учун ҳам қадрли. Мустақиллик даври ўзбек матбуоти тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади. Айнан шу даврда ўзбек матбуоти ўз тарихи давомида ҳеч қачон рўбарў келмаган имкониятларни қўлга киритди. Бугунги ўзбек матбуоти аллақандай сохта ғояларнинг, ўткинчи шiorларнинг, синфий мафқуранинг хизматкори эмас. Уни том маънода демократия йўлига чиқиб бораётган, умуминсоний тушунчаларни муқаддас биладиган ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этаётган матбуот дейиш мумкин. Бугунги ўзбек матбуоти Ўзбекистон халқи бошидан кечираётган улкан янгиликларни ҳимоя қилишда томошабин бўлиб тургани йўқ. Аксинча, халқ

билан ёнма-ён, елкама-елка овоз ва обод демократик давлатни, фаронроқ фуқаролик жамиятини қуришда фаол иштирок этаётган. Бугунги кун одамларини ҳайратга солиш, ишонтириш осон эмас. XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги том маънода информация даври бўлди. Журналистлардан бири ёзганидек: «Бугунги дунё ядро жомадонидаги тугмачани босиб билан эмас, микрофон олдидаги тугмачани босиб билан бошқариладиган бўлиб қолди.» Тан олиб айтиш керакки, хилма-хил мафқуралар тўқнашувидан иборат, янгиликка ўн бугунги дунё шароитида матбуотга осон бўлётгани йўқ. Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Ўзбек журналисти елкасида Ўзбекистон тарихининг ҳеч қайси даврида кузатилмаган оғир ва шарафли масъулият турибди.» Бу масъулият халқни излашлар сари ундаш, бугунги иқтисодий қийинчиликлар даврида унга далда бериш,

Ўзбекистонда чоп этилаётган ҳар бир газета ва журналнинг ўзига хос ва мос ўрни бор. Инсон манфаатлари бугунги ўзбек матбуоти учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, инсонийликка, ҳаққонийликка асосланган, сохта ғоялар ортида кун кўрадиган, инсон шайини оёқости қиладиган, ҳаёт-



ни ортиқча жимжимадорлик билан кўрсатадиган матбуотни давр инкор этади. Бугунгача шундай бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шу ўринда эътироф этиш керакки, ўзбек матбуотининг оқсаётган томонлари ҳам йўқ эмас. Матбуот нашрларида катта воқеа бўладиган, жамиятни оғоҳликка ундайдиган, ўткир ва бадиий мукаммал макро-

лазар нисбатан кам кузатилаётган. Унда ташаббус етишмапти. Маълум бир воқеа, ҳодиса ҳақида маълум бир даврданга ёзилапти. Кейинчалик эса бу мавзу ёддан кўтарилапти. Албатта, бу яхши эмас. Байрам кунлари одатда яхши гаплар гапирилади. Бизнингча, халқ ва ҳамкасблар бирлашган байрамларда ютуқларни эътироф этиш баробарида камчиликлар ҳам кўрсатилиши керак.

Бугун байрам. Давлат бизга эътибор берапти. Йилнинг алоҳида бир кунини бизга байрам қилиш учун берилган. Бу — бизнинг, халқнинг, биз эришадиган зафарларнинг байрами.

Шухрат ОРИФ,
Абдиддин
АБДУЛАЗИЗ ўғли,
талабалар



Ҳамкасблар, сиз суратни қандай изоҳлайсиз?

Абдувоҳид Тўраев олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Нархлар эркинлаштирилаётган шароитда республика фуқароларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, аҳоли даромадларининг оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. 2000 йил 1 августдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, баъча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юрталари талабаларининг, ўрта махсус ва ҳунартехника ўқув юрталари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилсин.

2. 2000 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудда:

энг кам иш ҳақи — ойига 2450 сўм;

ёшга дорр пенсия — 4675 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошлангич (нулинчи) разряд — ойига 2450 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 4675 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 2835 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгиланган қўйилсинки, иш ҳақига қўйиладиган устама ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 2000 йил 1 августдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур Фармон қирдаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб мавошларини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларининг оширилиши билан боғлиқ ҳаражатлар республика давлат бюджети ва Пенсия жағмармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш базавий фонднинг белгиланган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ҳамда таннархни камайтириш ҳисобидан 2000 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширилсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги ПФ-2339-сон Фармони 8-банди истисно қилинган ҳолда ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 23 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН СУВ ҲЎЖАЛИК ҚУРИЛИШИ ДАВЛАТ КОНЦЕРНИ («ЎЗСУВҚУРИЛИШ»)НИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

1998-2000 йилларда қурилиш соҳасидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Дастурига мувофиқ, шунингдек капитал қурилишда бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, қурилишда бошқарув тузилмаларини монополиядан чиқариш ва икчамлаштириш, пудрат ишлари бозорини шакллантириш мақсадида:

1. «Ўзсувқурилиш» давлат концерни таркибида бўлган корхоналар ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш буйича махсус комиссиянинг Ўзбекистон сув ҳўжалиги қурилиши давлат концерни («Ўзсувқурилиш»)ни тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Ўзсувқурилиш» давлат концерни таркибида бўлган корхоналар ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш буйича махсус комиссия бир ҳафта муддатда ҳудудлардаги сув ҳўжалиги қурилиши ташкилотларининг таркиби ва тузилмаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб, бунда сув ҳўжалиги қурилишининг сифатини ошириш зарурлигини, ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартиришни, кам қувватли, зарар кўриб ишлайдиган ва паст рентабелли қурилиш ташкилотлари тугатилишини, уларнинг бундан буён ҳам давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилишини назарда тутсин.

3. «Ўзбекистон сув ҳўжалиги қурилиши давлат концерни («Ўзсувқурилиш»)ни ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 18 ноябрдаги ПФ-497-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 23 июнь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

ИМПОРТ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ОЛИБ КЕЛИШ ВА СОТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Импорти истеъмол товарлари сотишни тартибга солиш, савдонинг ташкилий шакллари ривожлантириш ва мустақамлаш, аҳолининг харид қобилиятини ошириш, истеъмол товарларига нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш ва нархларнинг сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

- 1. Белгилансинки, 2000 йил 1 июлдан бошлаб савдо корхоналари ялпи даромад солигини даромадлик даражасига боғлиқ равишда табақалаштирилган ставкалар бўйича иловага мувофиқ тўлайдилар. Бунда ялпи даромад солигини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш ҳар ойда, ўсиб борувчи яқун бўйича амалга оширилади;
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг лицензияларига эга бўлган истеъмол товарларини импорт қилувчи корхоналардан хорижий валюта харид қилинганлиги, шунингдек алмаштириш пунктларида хорижий валюта харид қилинганлиги учун 5 фоиз миқдорда йғим ундириш 2000 йил 1 июлдан бошлаб бекор қилинсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳузурлиги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси; савдо корхоналари томонидан ялпи даромадга солиқ солишининг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъминлашнинг бунда қонунни бузувчиларга нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий жазолар қўллансинлар;
4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ўн кун муддатда Савдо корхоналарининг ялпи даромад солигини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартибига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгаришларни белгиланган тартибда киритсин, бунда шунингдек савдо майдонлари ижарага олинганлиги учун савдо корхоналари

ши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари уюштирилган савдонинг кенгайтириш ҳамда товар айланиши ҳажмида унинг улушини кўпайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни, шу жумладан қуйидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар:

- 5. Белгилансинки, 2000 йил 1 июлдан бошлаб жисмоний шахслар (ўзлари қатнаб олиб келадиганлар) томонидан республика ҳудудига тижорат фаолияти учун мўлжаллаб олиб келинаётган товарлардан йғим амалдаги ставка бўйича божсиз олиб киришининг чекланган нормалари қўлланилмаган ҳолда ундирилади.
Жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига тижорат фаолияти учун мўлжалланмасдан олиб келинаётган товарлардан йғим ундиришининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Импорти тартифлар билан бошқариш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 24 февралдаги 80-сон қарори билан белгиланган амалдаги тартиб сақлаб қолинсин.
6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2000 йил 1 июлдан бошлаб буюм бозорларидан савдо жойи ижарага олинганлиги учун тўловнинг амалдаги ставкаларини 1,5 баравар оширсинлар.
7. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг жисмоний шахслар томонидан олиб келинаётган импорт истеъмол товарларини майдга улгуржи ва чакана сотиш бўйича савдо маркази ташкил этиш ва уни «Чорсу» универмаги томонидан фойдаланилаётган бинода жойлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда савдо маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда турғун биноларда савдо қилувчи жисмоний шахслар учун имтиёзлар тизимини назарда тутсин.
8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Тошкент шаҳри, 2000 йил 24 июнь.

И. КАРИМОВ

ЖУРНАЛИСТ

Газетани дейдилар: — Офтоб! Ҳақиқат бу, лозиммас исбот. Утли қалам бамисли моҳтоб, Дилга сизиб киргувчи нажот...

Ҳароратни заминдан олиб, Кўкда қуёш яшнаган каби. Эл дардини ўз дардин билиб, Нур таратгай журналист қалби.

Шундан гоҳо бағрида булбул, Ошён қуриб, тинмай сайрайди. Разолатга дуч келса буткул, Нафрат тигин бир-бир қайрайди.

Алқиссаким, у шундайин зот, Ёқлагани ҳақ сўз, пок Йймон. Шундан унга мағрурлик қанот, Юрагига сифади жаҳон.

Тошпўлат АХМАД

БИЗНИНГ ҲУҚУҚЛАРИМИЗ

Журналист ахборот тўлаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқига эга. Судларнинг очик мажлисларида, харбий ҳаракатлар майдонларида, табиий офат юз берган ҳудудларда, оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш... ҳуқуқларига эга. Тахририй ходим мурожаатлардан ёки бошқа манбалардан ўзига маълум бўлган ёхуд ўзи гувоҳ бўлган муайян воқеа, ҳолат юзасидан журналистик текширув ўтказишга, фактларни, гувоҳлик қўрсатмаларини тўлашда аудио ва видео техникадан фойдаланишига ҳақли. Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки қўздан кечирилиши мумкин эмас. Журналистнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланади. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари; журналистнинг сўров билан мурожаат қилиш ва зарур ахборотни олиш ҳуқуқини бузганлик; журналистга таъйиқ ўтказганлик, унинг журналистик фаолиятига аралашганлик... учун жавобгарликка тортилади. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1997 йил Қонунларидан.

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ»

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан ўтказиладиган «Йилнинг энг яхши журналисти» аънавий танлови якунланди. Танловга матбуотимизнинг фаол жонқуярлари 1999 йилда яратган энг сара асарлар тақдим этилди. Уларда Ватанимиз истиқболи, мустақиллик равақи, ислохотлар муваффақияти, одамлар дунёқарашини, кундалик турмушида рўй бераётган ўзгаришлар акс эттирилган. Қуйидагилар йилнинг энг яхши журналистлари деб топилди:

- Қутлибека Раҳимбоева — «Саодат» журналининг бош муҳаррири ўринбосари Людмила Мервинская — Ўзбекистон телевидениесининг рус тилидаги «Тахлинома» дастури бошловчиси Нарзулла Равашов — «Халқ сўзи» газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича муҳбири Рағбатлантирувчи мукофотларга қуйидагилар сазовор бўлди: Кўчкор Норқобил — «Ўзбекистон овози» газетасининг муҳбири Каримжон Муҳидинов — «Овози тожик» газетасининг Фарғона вилояти бўйича муҳбири Хатира Нурбаева — «Нурли жол» газетасининг масъул котиби Намоз Саъдуллаев — «Фидокор» газетаси бўлим

- мудири Ортиқали Намозов — «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг муҳбири Умурий Утувлиев — «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг муҳбири Абдумутал Абдуллаев — «Андижоннома» газетаси бўлим мудири Алижон Сафаров — «Ватанпарвар» газетасининг муҳбири Ойбек Юнусов — «Спорт» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари

МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Вақтли матбуот — вақт-вақти билан белгилли муддатларда босиб чиқариладиган, нашр этиладиган газета ва журналлар.

Журналист — Даврий матбуотда адабий-публицистик мақолалар билан қатнашувчи адиб, матбуот ходими.

Журналистика — Журналист фаолияти, журналистик. Газета ва журнал адабиёти, газета ва журналлар мажмуи.

Мухбир — Газета, журнал, радио ва бошқа ахборот органларига мақола, хабар ва шу каби ёзиб турадиган киши. Бирор кимса ёки ташкилот билан хабарлашиб, хат ёзишиб турувчи киши.

Газета — ҳаётнинг турли соҳаларига оид воқеа-ҳодисаларни ёритадиган, шунингдек сиёсий-иҷтимоий ва илмий-оммабоп мақолалар босиладиган (оатда, кундалик) нашр.

Газетачи — газета ходими, газета тахририятида ишловчи ходим.

Газета тарқатувчи, сотувчи.

Газетхон — Газета ўқувчи, газетани қанда қилмай ўқиб борадиган одам.

Газетхонлик — Газета ўқиб, газета ўқиш билан машғул бўлиш.



Катта бўлсам журналист бўламан.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Азиз замондошим! Ҳар тонг мени ҳаяжон, соғинч уйғотади. Бу биз билан бирга нафас оладиган, ўйлайдиган муштарийларимиз мактублари. Уларнинг «ўз ёш тоғмисидек сўз» ларини кўмсаш. Қанчалар улкан бахт, сурурли онлар. Сени қимдир кутаётганини, тинглаётганини, сен билан юзма-юз турганини ҳис этиш қанчалар мароқли, масъулятли.

Сиз қалб қўрингизни, юракнинг тўрида сақланаётган дарду дунёингизни бизга ёзаётган мактубларингизга тўқиб соласиз. Сиз қувончу қайғунгиздан, изтиробли ўйларингиздан бизни оғоҳ этмоққа шошиласиз. Ҳар бир мактубингизда юрагингиз уриши эшитилиб туради. Шoir айтмоқчи, «янги аср келаётди гурс-гурс». Сиз ўзингизни ҳамроҳингиздан, дилтортаг дўстингиздан яна нимани ёритмоғини сўрайсиз? Газета саҳифаларида ёруғ, ёниб турган бирорта сўзга, мақолага дуч келганингизда сизнинг кўнглингиздан нималар ўтади? Муаллифнинг изтиробла-

ри, муҳаррирининг заҳматлари, газетанинг тайёрлаш жа- раёларини сизнинг қўлингизга етиб боргунча давом этаётган ҳолатлар, ҳаяжонлар сиз газета билан юзма-юз бўлганингиздан сўнг сизга кўчади. Сиз газетамизда мамлакатимизнинг барча сарҳадлари, дарду дунёси, қувончу

уни қисмат дегувчиларни қадрлайди. Бу ерда ҳаёт адолат мезонлари асосида да- вом этади. Мактублар сиз билан бизни бевосита боғлаб турадиган юзма-юз суҳбатдир. Мактублар ўз ҳуқуқи топта- лаётганидан азият чеккан дилингиз исёнидир. Мактуб-

рини газета билан боғлаган Марфуа опамиз эшикдан секин кириб, сизга хат бор, дейдилар. Мана шу биргина сўзда олам мужассамлашган. Сизга хат бор калимасининг журналист, иждокор инсон учун қанчалар қадри эканлигини сўз билан таъриф- лаб бўлмайди. Қўхна Са- марқанддан, қадри Анди-

зета саҳифаларида биз билан юзма-юз келасиз. Де- мак, биз ҳамроҳларга айла- намиз. Газетамизнинг янги XXI асрда ҳам «Ўзбекистон овози» бўлиб қолиши учун биз нима қилишимиз керак? Сиз яна қандай суҳбатлар, мақолалар, очерклар ёзили- шини истайсиз? Бугун сиз- ни нима ҳаяжонга солаяпти? Президентимиз таъбир- лари билан айтганда. Туртинчи ҳокимиятга нима гапингиз бор? Биз сизнинг ҳар бир мактубингиздаги сўзингизни жон қулоғимиз билан эшитамиз. Сизнинг руҳиятигизни юрагимиз билан ҳис этамиз. Сиз учун курашишга, адолатни қарор топтиришга, ютуқларингизни кенг ёритишга тайёрмиз. Сиз мактубингизни адолат манзилга йўллаётганингизга ишонинг. Биз ҳам сизга ўз навбатида ишонамиз. Азиз ҳамроҳим! Энг аввало сизга газетамизга бўлган ишонч ҳеч қачон йўқолма- син. Биз эса сизга, мактуб- ларингизга интизормиз. Га- зета ва биз билан сизнинг ўртангиздаги соғинч мангу бўлишини истаймиз.

Фаррух ҲАМРОЕВ

МАКТУБ ЙЎЛЛАНГ, ГАЗЕТАГА НИМА ГАПИНГИЗ БОР?

қайгулари билан танишасиз. Бухоролан Даврон Бахронов, Фарғонадан Алишер Ибодинов, Қашқадарёдан Юнус Узоқов, Қорақалпоғистондан Рейимбой Ёшимбе- ров каби моҳир журналист- ларнинг газеталарда эълон қилинаётган хабар ва мақо- лаларида қишлоқ ҳаёти, ви- лоятларда юз бераётган тур- ли хил воқеаларнинг нафа- си уфуриб туради. Муаммо- лар ўз аксини топади. Газета фидойиликни талаб қилади. Унга интилаётган,

лар ўзларига бўлган озгина эътибордан ҳаяжонланган кўнглиларнинг китобидир. Мактублар газеталарда босил- ган мақолаларнинг ўқувчи- га бориб етган сандосининг акс-сандосидир. Мактублар қалбдан кўчган дил эҳсо- рларидир. Газета сизнинг мактубларингиз билан ти- рлик. Газетанинг овози сиз- ни кимгадир қаралдир керак, унга мунтазир қалб- лар бор. Азиз замондошим! Сиз га-

жондан, қуёш ҳукмрон Сур- хондарёдан, азиз Хоразмдан бизга келаётган мактублар- нинг бирортаси эътиборсиз қолдирилмайди. Ҳар бир мактуб ортида инсон тақди- ри ётганини биз юраги- миздан ҳис этамиз. Мактуб- лар. Шу сўзингиз ўзи юрак- ни қитқилдайди. Демак, сиз айтаётган, ёзаётган қудрат- ли сўз кимгадир қаралдир керак, унга мунтазир қалб- лар бор. Азиз замондошим! Сиз га-

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 июндаги 242-сон қарорига илова Улгуржи ва чакана савдо корхоналарининг ялпи даромадига солинадиган солиқнинг табақалаштирилган ставкалари

Table with 3 columns: Daromadlilik, Korxonalarning daromad olish darajasi (yalpi daromadning tovar aylanmasiga nisbati, foizlarda), Korxonalar buyicha soliқ stavkalari (yalpi daromadga nisbatan foizlarda). Rows include Foizgacha, Foizdan ortiq.

Изоҳ: */ Ставка даромадлиқнинг белгиланган даражасидан ошувчи даромадларга нисбатан қўланади.

СУРАТЛАРДА ҚУДДУС ТАСВИРИ

Самарқанд шаҳрида Исро- нининг Ўзбекистондаги эл- чинаси ва маданият мар- казлари ташаббуси билан «Қуддуси Шарифа юқоридан назар» деб номланган фотосуратлар кўргазмаси очилди, — дейди муҳбири- миз Л. Мамасолиев.

Кўргазма залларига яхудиайлар ҳаёти, Қуддус- нинг гўзал ва муқтадам ко- шоналари, чиройли, равон ва ёруғ кўчалари тасвирлан- ган, юзга яқин рангли ва оқ- қора фотосуратлар қўйилган. — Ўзбекистон ва Исроил

давлатлари ўртасидаги мада- ний алоқаларнинг мустаҳ- камланиб бораётганини кў- вувончи. Фотокўргазма Қуддус шаҳри тўғрисида бой ҳамда унутилмас таассурот қолдиради, — деди элчи жа- ноблири Ноах Галь Гендлер.

ҚУТЛОВ ЮКСАЛИШНИНГ ИЛК ҚАДАМИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кўни муноса- бати билан журналист талабалар ўртасида ўтказилган танлов якунлари бўлиб ўтди. Ҳам ўқиб, ҳам газета ва журналлар қошида муҳбирлик қилаётган бир гуруҳ та- лабалар ушбу танлов иштирокчиларига айланган. Қу- вонарлиси шундаки, мазкур танловда қатнашган «Ўзбе- кистон овози» газетаси муҳбири, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика фа- культети талабаси Аслиддин СУЮНОВ фахрли II дара- жали диплом билан тақдирланди.



ТАХРИРИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 27 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилайди:*

Table with 4 columns: Currency, Rate, Currency, Rate. Lists various currencies like Australia dollar, Austria schilling, etc.

*)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

Икки дарё оралигида жойлашган Ўзбекистон азал-азалдан фозил инсонлар юрти бўлган. Ҳозирда ҳам орамизда фозил, илму урфонли инсонлар кўп. Лекин ҳаёт инсонга синов учун берилади деганлари ҳам рост. Фозиллик юкни елкада опичлаб яшаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Эзулик юкни кўтариб, эл қорига арганларни эса халқимиз унутмайди.

Бухоронинг ер юзидан фалакка нур таратуви муҳташам иморатларининг виқори, салобати бағрида воёга етган Саъдулла ака аввалгига мусиқа мактабида виолончелдан дарс олди, билим юртида ўқиди. Мусиқа инсон руҳиятига ором бағишлаши билан бирга фикрни теранлаштиради. Олам, борлик ҳақида ботиний тунушчаларни бойитади. 1940-йилларда Тошкентдаги Урта Осиё Давлат университетининг филология факультетига ҳужжат топширар экан, Саъдулла Кароматовнинг дилига ижодкорлик оловини солган ҳам мусиқа бўлган бўлса ажаб эмас.

Саъдулла аканинг кенг елкалари, бароқ қошлари-ю, юз-кўзларидан жид-

дий ва қатъиятлилик тўғри сўзлигида, мақсад сари далолат берарди. У киши оқибатлиликни ёқтирар эди. Ижодий фаолиятини Ўзбекистон радиосида, ўрта мактабларда, сўнгра эса 1956 йилдан собиқ «Қизил Ўзбекистон» («Ўзбекистон овози») газетасида адабий котиб, бўлим мудир ва котибликдан бошлади. У кишининг «Амунинг зар кокиллари», «Кумуш камар» очерклар тўплами, «Толар табассуми» қиссаси китоб бўлиб чиқди. «Минг кўшчига бир бошчи», деганларидек, Саъдулла акада ишни ташкил қилиш, бошқаришда туғма иқтидор бўлганлигини у киши билан бирга ишлаганлар бот-бот айтиб юришади.

Сталин зуғуми остида қуёш кўрмаларга тубида сақланаётган миллий гоё 1960-йилларда аста-секин куртаклай бошлади. Лекин халқ ўсиб, улғайишини истамаган тузум вақти-вақти билан «чеканка» қилиб туришни унутмади. Ҳалигача эсласа кишилар қалбини ларзага солувчи 1966 йилдаги зилзила жамиятни саросимага солиб қўйди. Бундай пайтда ўқсган дилларга малҳам бўлиш, оғирини энгил қилиш асосан ўз

зиёлиларимиз зиммасига тушди. Қайғули онларда пойтхат аҳли учун маҳаллий газета чикариш, унинг бир саҳифаси рус, бири эса ўзбек тилида нашр этилиши тайин этилди. Янги нашрга Бош муҳаррирлик масаласида кўп торттишувлар бўлди. Ахири, забардаст ижодкор, қатъиятли инсон Саъдулла Кароматов номзодига тўхташди. У киши ўзбекча ва русча нашрларни алоҳида-алоҳида

мурга нисбатан тўғри баҳо берилди, буюк шахс эканлигини ибоблаш гоёси ҳам ўша даврда кўтарилди. Лекин шўролар тузуми халқпарвар зиёлиларни таъқиб қилар, уларнинг ҳар бир қаламини назорат остига олганди. Юртинг вайрон бўлган бўлса душманни ташқаридан излама, деганларидек, зиёлини зиёлига қарши қўйиш, бири-бирига гиж-гиллаш каби хуфийна ишлар ўта мукам-

буюрарди. Мени «Юнусбой, жуда чаққонсиз, сиздан илдини ибоблаш гоёси ҳам ўша даврда кўтарилди. Лекин шўролар тузуми халқпарвар зиёлиларни таъқиб қилар, уларнинг ҳар бир қаламини назорат остига олганди. Юртинг вайрон бўлган бўлса душманни ташқаридан излама, деганларидек, зиёлини зиёлига қарши қўйиш, бири-бирига гиж-гиллаш каби хуфийна ишлар ўта мукам-



С. Кароматов «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига ўн етти йил муҳаррирлик қилди.

бага эга бўлиш билан бирга ижодга ҳам алоҳида эътибор қаратди. У кишининг «Бир томчи қон», «Этиқол» қиссалари, «Олтин қум», «Сўнгги бархан» романлари кенг ўқувчилар оммасини ўзига жалб этган асарлардир. Бу асарлар қардош тилларда ҳам чоп этилган.

Саъдулла акадаги ўзига хослик, эл, юрт манфаати учун жон куйдириши миллий гоёни бўғиш эвазига қурилган шўролар тузумига ёқмаслиги тайин гап эди. Кўпгина маърифатпарвар зиёлилар қатори, у кишини ҳам таъқиб қила бошлади. 1982 йилда мазкур газеталарнинг муҳаррирлиги лавозимидан олинди. Маънавий ва руҳий қийноқлар аста-секин ўз таъсирини кўрсата бошлади. «Соғ-саломат юрибсизми, деса: «Эски гапларни қўй, сени кўрганим яхши бўлди. Энг муҳими турилган кунининг 60 йиллиги нишонланадиган бўлди. Эрталаб уйга бор», дедилар. Бир олам қувонч билан уйларига борсам, раҳматли устозим 1987 йилнинг эскида, 59 ёшларида қазо қилган эканлар, дея хотирлайди Юнус Зиёдов.

■ Юсуф ЖўРАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

САРДОРЛАРДАН ЭДИ...

чиқарилишини талаб қилди. Шу тариқа «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари пайдо бўлди. Унинг дунё юзини кўриши, ўз саҳифаларида зилзила оқибатларини батафсил ёриштириш, қундалик хабарлар билан ўқувчинини таништириб бориш осон эмас эди.

Миллий анъаналаримизни сақлаб қолиш, тақомиллаштириш Саъдулла акадек зиёлиларнинг чекига тушган эди. Соҳибқирон Амир Те-

димларнинг ҳар қандай ютуғини алоҳида таъқидлар, қолганларни ҳам воқеаларга ҳозиржавоб бўлишга чақирар эди. Журналист Тўлқин Радуловнинг ёзишича: «Таниқли шифофор Зикрилла Эгамбердиев: — «Оқшом» рўзномасини Саъдулла Кароматов бошчилигида ёш қаламқашлар тайёрлашди. У чойхона паловидек лаззатли, ўқсанг мазза қиласан...» — деган экан.

ЮЗИ ЁРУФ, ТИЛИ НОЗИК

Устоз ҳақида сўз айтиш қийин эмас. Сабаби, Урол аканинг иши, ҳаёти бошқаларга қараганда менга кўпроқ таниш. У кишини таъомлаб, Ўзбекистон телевидениеси адабий-драматик тахририятида муҳаррир, катта муҳаррир, ўттиз ёшдаёқ бош муҳаррир этиб тайинланди. 1990 йилдан бадий кўрсатувлар ижодий бирлашмасига директор, 1992-1995 йилларда Ўзбекистон телевидениеси Бош директорлик қилди.

Бир неча йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси телерадио ва кино кенгашининг раиси сифатида ҳам самарали меҳнат қилди. Алабидимиз ва санъатимизнинг чинакам жонқуяри сифатида ўнлаб кўп қисмли видеофильмлар яратишда бошқош бўлди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан «Навоий», «Медея», «Юдузли тунлар», «Адабият қонуни», «Лайли ва Мажнун», «Кеча ва кундуз», «Гирдоб», «Олмос камар», «Дийнат», «Қадимда бўлган эди» каби кўпжақ видеофильмлар яратилиб, телевидениенинг олтин фондидан жой олди.

да қарийб 30 йиллик фаолиятида нафақат амалиётчи мутахассис, балки назариётчи олим эканлигини ҳам тўла намён эди. Унинг қаламига мансуб «Теледраматургия уфқлари», «Телевидение ва тарбия» китоблари шу кунларда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаларига қўлланма вазифини ўтамоқда. У. Утаевнинг «Танқид ва услуб» деб номланган илк китоби ҳақида адабиётшунос олим Озод Шарофидинов шундай ёзган эди: «Бу китобда бир муҳим фазилат мавжуд — у фактик материалга жуда бой. Мунаққид бугунги ўзбек танқидчилигидаги эътиборга сазовор ҳодисаларнинг ҳаммасини қамраб олишга интилган. У. Утаев асарларга кўмилиб, унга ақир бўлиб қолмасан. Аксинча, у фактларнинг марзини чақишга, улар орасидаги алоқани аниқлашга ва танқидчилик ривожига умумий хусусиятларни умумлаштиришга ҳаракат қилади».

Урол Утаев 1996-1997 йилларда «Мулоқот» журналида бўйича Америкадан сўнг (50 киши) Япония (41), Германия (39), Канада (15), Буюк Британия (14), Франция, Мексика ва Гонконг (13 тадан), Швейцария (12), Бразилия, Тайван, Ҳиндистон (9 тадан), Италия ва Саудия Арабистони (6 тадан), Испания, Малайзия, Филиппин, Сингапур ва Швеция (5 тадан), Нидерландия, Аргентина ва Туркия (4 тадан) туради. Ачинарлики шундаки, Шарқий Европа, Россия, Осиё ва Африка мамлакатларида эса ақалли бирорта ҳам миллиардер йўқ экан. Березовский ва Черномырдин миллиардлари ҳақидаги гаплар ҳозирча тасдиқланмади.

Дарвоқе, миллиардерларнинг 12 нафари аёллар.

■ Асрор РАҲИМОВ тайёрлади

«МИЛИАРДЕРЛИККА БИЗНИ ҲАМ ЕТКАЗДИН»

Дарҳақиқат, миллиардерлар у ёқда турсин, ҳатто миллионлар ҳақида ҳам гап кетгудек бўлса, барча улар бойлигига ҳавас билан қарайди ва ният қиладики, илоҳим бизни ҳам шундай кунларга етказсин деб. Бирок бойликка етишиш қанчалик машаққат бўлса, уни сақлаб қолиш ҳам ўзига яраша машаққатни талаб этади. Шунинг учун ҳам Америкада чиқадиган «Форбс» журнали ҳар йили бойвачалар рўйхатини эълон қилиб боради ва бу рўйхатдан кимдир тушиб қолади, кимдир эса «янги бойвача» сифатида рўйхатга тиркалади. Мана бу йил ҳам шундай бўлди.

компьютер технологияси бўйича дунёга машҳур АҚШлик Уильям Гейтс кейинги пайтда сармосининг учдан бир қисмини йўқотган бўлса-да, лекин сайёраимизнинг энг зўр бойвачаси ҳисобланади, яъни 60 миллиард долларлик бойликка эга. Ундан кейинги ўрин 47 миллиард долларлик сармоа эгаси Ларри Элсонга (АҚШ) насиб этди. Учинчи ўрини эса Уоррен Баффет (АҚШ) олган. Унинг бойлиги 28 миллиард долларга тенг. Рўйхатни ўқишни яна давом эттираларин бўлсақ, у қуйидагилар: Пол Аллен (АҚШ) — 28 млрд., Ал-Валид бин Талал (Саудия Арабистони) — 20 млрд., Албрехтлар оиласи (Германия) — 20 млрд., Робсон Уолтон (АҚШ) — 20 млрд., Масуочи Сон (Япония) 19,4 млрд., Майкл Делл (АҚШ) — 17,8 млрд. Кеннет Томсон (Канада) — 16,1 млрд.

Бугунги кунда дунёда 460 нафар миллиардер бор бўлиб, уларнинг кўпини америкаликлар ташкил этади, яъни 1044 миллиард долларлик сармоа улар чекига тўғри келади. Европаликларники эса 440 миллиард, Осиё ва австралияликларники 280 миллиард, Канада ва Латин Америкаси — 108, Яқин Шарқ ва Африкада яшовчи бойвачаларнинг умумий сармоси эса атиги 62 миллиард долларни ташкил этади.

Миллиардерлар кўплиги

МЕН ЭНДИ ТУШУНДИМ...

Шу маҳал эшик очилиб останада санитаркор қиз пайдо бўлди. Қаердаги қўшиқларни айтганидан, тайин-тутруғи йўқ бу қизни газетамда реклама қилиш учун «катта» акиси илтимос қилган. 6 ойдан бери у ҳар кун «Ўзбекистон овози»ни олади. Қарайдики, ўзи ҳақида мақола босилмаган. Анчикланади, лекин газетамга кўз югуртиради. Ҳа, кейин менга кўнгирак қилди ё келиб кетади. Мен эса сабр қилинг, дейман. Бугун ҳам шу қиз эшик олдида турибди. Қўлида газетанинг янги сонини — Ҳақингизми, қандай чиқибди? — Яхши. Ҳозир мен шу газетанинг ўқувчини бўлиб қолдим. Санъат, сийсат, иқтисод ҳақидаги баҳсли мақолаларни қизиқиб ўқийдиган бўлдим. Менга қаранг, мен ҳақимдаги мақолани ҳозирча чи-

БАЙРАМДАН БИР КУН ОЛДИН

қарманг, илтимос, тушундим, ҳали вақт бор экан. Лекин, газетанинг ҳар сонини ўқиб қарорга келдим. Мен хурсанд бўлдим.

— Яна қандай мавзу? — Фермернинг шикоятчи бўйича. Бу ҳам Деновдан. — Бошлар оромгоҳи ҳақида ёзмадингизми? — Бор. Деновдан танқид... Яна унга танқидий мавзу. — Булар ҳам... — Ҳа, булар ҳам Деновдан. — Уф... Дуст, Денов ўзи қайси мамлакатда... — Туш... Тушунмадим? — Мен, кеча Денов туманини мухбиринг Ойга кўчириб юборибдилар, деб айтишувдим. ... Абдумалик қўқиллаб қулди.

■ ОЛМАХОН ЙЎҚ, СУРХОНДАРЁДА Ёзганларимиз байрам ҳазили бўлапти. Бир кун ишхона-

■ МЕН ЭНДИ ТУШУНДИМ... — Ҳақингизми, қандай чиқибди? — Яхши. Ҳозир мен шу газетанинг ўқувчини бўлиб қолдим. Санъат, сийсат, иқтисод ҳақидаги баҳсли мақолаларни қизиқиб ўқийдиган бўлдим. Менга қаранг, мен ҳақимдаги мақолани ҳозирча чи-

«ЕВРО — 2000»

ТЎРТОВЛОНДАН БИРИ

Шундай бўлди. Бир неча кундан бери давом этаётган Европа футбол чемпионатининг 16 жамоасидан бор-йўғи тўрттаси қолди. Катта футболда саралаш баҳсларидан эсон-омон чиқиш ҳар кимга ҳам насиб этавермаслиги табиий. Муҳаббатимиз умид боғлаган жамоалар қолиб янги номларнинг курашини давом эттириш имкониятига эга бўлиб тургани ҳам футболдаги тасодифлардандир. Гурӯҳ учрашувларида Англия билан Германия футболчиларини ёки Бельгия, Норвегия ҳамда Чехия жамоаларининг имкониятини бой бериб қўйишлари тахмин ҳам қилин-

маганди. Аксинча руминлар, турклар ёки югославияликларнинг омадлари юришиб, чорак финалга йўлланма олишди. Сўзаси Португалия, Италия, Франция ҳамда Голландия футболчиларига гап йўқ. Улар мағлубият нималигини таян олишмапти.

Дам олиш кунлари бўлиб ўтган чорак финал учрашувларида ҳам ана шу жамоаларнинг омадлари қолди. Португалия—Туркия ҳамда Италия—Руминия учрашувларида бир хил — 2:0 ҳисоби қайд этилди. Голландия—Югославия учрашуви 6:1 ҳисобида туганган бўлса, французлар испанларни 2:1 ҳисобида доғда қолдиришди. Қизғин

«МАТБУОТ ФИДОЙИЛАРИ» ҲАҚИДА

Азиз мухлис! Қўйидаги изоҳлар баён этилган Ўзбекистонимиз матбуоти фидойи ижодкорларини топиб, шаклга белгиланган ҳондан соат мили йўналишида раҳамат атоқилсин.

1. Газета муҳаррири лавозимда фаолият кўрсатган таниқли давлат арбоби, ёзувчи. 2. «Муштур» журналида хизмат қилган жангчи шоир, қўшиқлар ижодкори. 3. Ватанимизда ўтказилган «Офарин» мукофотининг биринчи соҳибдори, журналист ижодкор. 4. Фаолиятини «Туркистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида бошлаган журналист. 5. Газета ва журналлардаги фаолияти билан танилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 6. «Саодат» журналининг узок йиллар америкалик атоқли шоира. 7. Қорақалпоғистоннинг атоқли матбаа ижодкорларидан бири. 8. Илк ўзбек журналистларидан бири, давлат арбоби. 9. Фаол журналист-ёзувчи. «Моҳларойим» асари муаллифи. 10. Матбуот фидойиларидан бири. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоир. 11. Ўзбек журналист аёли. «Сумбул иси» асари муаллифи. 12. Фаолият кўрсатиб келётган устоз журналист, ёзувчи. 13. Асримизнинг йигирманчи йилларида ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида фаолият кўрсатган таниқли журналистлардан бири. 14. «Туркистон вилояти газетаси», «Садои Туркистон» газеталарида қатнашган мақомавис, тилишунос, маърифатпарвар. 15. Мамлакатимизда жаҳидлик ҳаракати намояндаларидан бири, ёзувчи, газета ва журналлар нашр этиш ташкилотчиси, журналист ва жамоат арбоби. 16. Вақтли матбуотда фаол иштирок этган атоқли олим, қатан йиллари қурбони.

Жавоб сўзлари асосида шакл каталогларида рақамларни ҳарф билан алмаштириб, муаммонани ечинг. Ундан маърифатпарвар ижодкор Абдулла Авлонийнинг матбуотимизга асос бўлган «Тарақий» газетаси фаолиятига оид сўзлари аён бўлади.


- 1. Газета муҳаррири лавозимда фаолият кўрсатган таниқли давлат арбоби, ёзувчи. 2. «Муштур» журналида хизмат қилган жангчи шоир, қўшиқлар ижодкори. 3. Ватанимизда ўтказилган «Офарин» мукофотининг биринчи соҳибдори, журналист ижодкор. 4. Фаолиятини «Туркистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида бошлаган журналист. 5. Газета ва журналлардаги фаолияти билан танилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 6. «Саодат» журналининг узок йиллар америкалик атоқли шоира. 7. Қорақалпоғистоннинг атоқли матбаа ижодкорларидан бири. 8. Илк ўзбек журналистларидан бири, давлат арбоби. 9. Фаол журналист-ёзувчи. «Моҳларойим» асари муаллифи. 10. Матбуот фидойиларидан бири. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоир. 11. Ўзбек журналист аёли. «Сумбул иси» асари муаллифи. 12. Фаолият кўрсатиб келётган устоз журналист, ёзувчи. 13. Асримизнинг йигирманчи йилларида ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида фаолият кўрсатган таниқли журналистлардан бири. 14. «Туркистон вилояти газетаси», «Садои Туркистон» газеталарида қатнашган мақомавис, тилишунос, маърифатпарвар. 15. Мамлакатимизда жаҳидлик ҳаракати намояндаларидан бири, ёзувчи, газета ва журналлар нашр этиш ташкилотчиси, журналист ва жамоат арбоби. 16. Вақтли матбуотда фаол иштирок этган атоқли олим, қатан йиллари қурбони.

- 1. Газета муҳаррири лавозимда фаолият кўрсатган таниқли давлат арбоби, ёзувчи. 2. «Муштур» журналида хизмат қилган жангчи шоир, қўшиқлар ижодкори. 3. Ватанимизда ўтказилган «Офарин» мукофотининг биринчи соҳибдори, журналист ижодкор. 4. Фаолиятини «Туркистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида бошлаган журналист. 5. Газета ва журналлардаги фаолияти билан танилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 6. «Саодат» журналининг узок йиллар америкалик атоқли шоира. 7. Қорақалпоғистоннинг атоқли матбаа ижодкорларидан бири. 8. Илк ўзбек журналистларидан бири, давлат арбоби. 9. Фаол журналист-ёзувчи. «Моҳларойим» асари муаллифи. 10. Матбуот фидойиларидан бири. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоир. 11. Ўзбек журналист аёли. «Сумбул иси» асари муаллифи. 12. Фаолият кўрсатиб келётган устоз журналист, ёзувчи. 13. Асримизнинг йигирманчи йилларида ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида фаолият кўрсатган таниқли журналистлардан бири. 14. «Туркистон вилояти газетаси», «Садои Туркистон» газеталарида қатнашган мақомавис, тилишунос, маърифатпарвар. 15. Мамлакатимизда жаҳидлик ҳаракати намояндаларидан бири, ёзувчи, газета ва журналлар нашр этиш ташкилотчиси, журналист ва жамоат арбоби. 16. Вақтли матбуотда фаол иштирок этган атоқли олим, қатан йиллари қурбони.

■ Фозилжон ОРИПОВ тузди.

«МАЪРИФАТ» ҲАҚИДА

Оқчи сўзлари: 1. Мақол. 2. Тил. 3. Даҳа. Ҳикмат: Ҳимматли одам — қимматли одам.



Газетанинг навбатдаги сонини 1 июль, шанба кунини чиқди.

БОШ МУҲАРРИР

Азиз СУЙОН

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

- Абдулла ОРИПОВ
- Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
- Қозоқбой ЙҮЛДОШЕВ
- Ислам ШОҒУЛОМОВ
- Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
- Алимулла СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
- Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
- Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
- Валерий ЛАБАРШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

- Сийсат — 133-44-55
- Иқтисодиёт — 133-76-04
- Маънавият — 133-07-20
- Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
- Ахборот — 133-12-56
- Котибият — 133-21-43
- Реклама ва эълонлар — 133-47-80, 133-38-55, Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

- Андижонда — 25-16-16;
- Бухорода — 23-51-40;
- Гулистонда — 25-16-22;
- Жиззахда — 3-29-44;
- Навоийда — 3-39-20;
- Наманганда — 6-43-43;
- Нукусда — 222-70-12;
- Самарқандда — 35-20-54;
- Тошкентда — 136-53-16;
- Урганчда — 226-51-35;
- Фарғонада — 26-46-84;
- Қаршида — 4-61-35;
- Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи Мирбахтиёр Мирфайзиёв Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернини босмаҳонаси. Корхона мазлиси: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўттиз тартитби № 00004 Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади. Г — 182

Топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 21.00. 1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА